

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРПИЕВА МАШҲУРА ЖАВДАТОВНА

**КАЛАМУШ ЖИГАРИ МИТОХОНДРИЯСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ФАОЛЛИГИНИ ГАЛОКСИФОП-Р-МЕТИЛ ВА ИНДОКСАКАРБ
ПЕСТИЦИДЛАРИ ТАЪСИРИДА БУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ**

03.00.01 – Биокимё

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УДК: 576.311.347: 577.352.465:

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the doctor of Philosophy (PhD)

Парпиева Машхура Жавдатовна

Каламуш жигари митохондриясининг функционал фаоллигини галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари таъсирида бузилиши ва уларни ўсимлик моддалари билан коррекциялаш.....3

Парпиева Машхура Жавдатовна

Нарушение функциональной активности митохондрий печени крыс под действием пестицидов галоксифоп-Р-метил и индоксакарб и их коррекция растительными веществами.....21

Parpiyeva Mashhura Javdatovna

Disruption of the functional activity of rat liver mitochondria under the influence of pesticides haloxyfop-P-methyl and indoxacarb and their correction with plant substances.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРПИЕВА МАШҲУРА ЖАВДАТОВНА

**КАЛАМУШ ЖИГАРИ МИТОХОНДРИЯСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ
ФАОЛЛИГИНИ ГАЛОКСИФОП-Р-МЕТИЛ ВА ИНДОКСАКАРБ
ПЕСТИЦИДЛАРИ ТАЪСИРИДА БУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ БИЛАН КОРРЕКЦИЯЛАШ**

**03.00.01 – Биокимё
03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/B386 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.ibb-nuu.uz ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:



Мирхамидова Парида
биология фанлари доктори, профессор
Позилов Маъмуржон Комилжонович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Далимова Сурайё Нугмановна
биология фанлари доктори, профессор

Гайибов Улугбек Гаппаржанович
биология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил « _____ » _____ кунни тарқатилди
(2022 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Сабиров Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Курбанназарова Раънохон Шараповна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.в.б., б.ф.д.

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳозирда 1000 га яқин турли хил пестицидлар ишлатилмоқда. Ушбу пестицидларнинг маълум бир қисми қишлоқ хўжалигида қўллаш учун тавсия этилмоқда. Лекин, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидлар атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмоқда. Турли хил йўллар билан организмга тушган пестицидлар, сезиларли ўзгаришларга олиб келади. Жуда кўп ксенобиотикларнинг метаболизми жигар хужайраларида амалга оширилади. Шу муносабат билан жигар митохондриясини пестицидларнинг токсик таъсиридан ҳимоялаш ва фармакологик коррекциялашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш замонавий токсикология ва биокимёнинг муҳим долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда, дунёнинг кўплаб илмий марказларида пестицидларнинг янги турларини яратишга қаратилган кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга пестицидларнинг жигар интоксикацияси билан боғлиқ митохондрия дисфункциясини ўсимлик бирикмалари ёрдамида коррекциялашнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ечимини кутаётган вазифалардан бири яъни пестицидларнинг токсик таъсири натижасида жигар митохондрияларнинг функционал бузилишларини аниқлаш ва уларни флавоноид бирикмалари ёрдамида коррекция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосида флавоноидларнинг антитоксик самарасини баҳолаш ва доривор воситаларнинг янги турларини яратишни тақозо этади.

Республикамизда атроф-муҳитни ифлослантирувчи воситалар пестицидлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг физиологик таъсир механизмлари ҳамда токсикологик хоссаларини аниқлаш ва уларнинг захарли таъсирини бартараф қилиш бўйича маълум даражада ютуқларга эришиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий – тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўсимлик бирикмалари орасидан антитоксик хоссаларга эга бўлган доривор воситаларни аниқлаш, уларнинг жигар хужайралари ва мембранасининг функцияларига таъсирини баҳолаш ва даволаш амалиётига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббий-фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармони

оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» ҳамда VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи илмий марказларида организмларнинг пестицидлар таъсирида зарарланиши, хужайралар ва митохондрияларнинг дисфункциялари ва уларни ўсимлик бирикмалари ёрдамида коррекцияловчи механизмларига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулоти бўлган қорамол гўштини истеъмол қилиш орқали қабул қилинган қолдиқ пестицидларнинг канцероген таъсир кўрсатиши ўрганилган. Олиб борилган тадқиқотларда 22 хил хлорорганик пестицидларнинг қолдиқ миқдори қорамолларнинг жигарида 152 нг/г, буйракда 266 нг/г, тилда 488 нг/г миқдорда аниқланган (Mahmoud A.F.A., et al., 2016). Хлорорганик бирикмалардан эндосульфан нормал диета билан боқилган сичқонларда тана вазнининг камайишига, жигардаги метаболик жараёнларнинг энергия, аминокислоталар, липидлар метаболизи ва ичак микрофлораси ўзгаришига олиб келиши аниқланган (Zhang et al., 2017).

МДХ мамлакатларида З.М. Омарова (2010) ва Б.М. Штабский (2013) ўз тадқиқотларида пестицидларнинг жигар, буйрак, мия ва ёғ тўқималарида қолдиқ сифатида тўпланишини кўрсатиб берганлар. В.А. Королев (2017) томонидан айрим фунгицидлар эритроцит мембранасининг нейтрал липидлар миқдорининг ўзгаришига мексидолнинг самарали таъсирини аниқлаган.

Республикада профессор М.И. Асраров ва унинг шогирдлари томонидан фозалон, омайт ва маврик пестицидларини жигар митохондриясининг Ca^{2+} тўплаш сифимига ва ички мембрананинг пассив ион ўтказувчанлигига таъсири ўрганилган. Н.Т. Алимбабаева, Р.Д. Рустамов ва Д.С. Тўйчиевалар томонидан пестицидлар, бутилкаптакс, дропп ва каратэнинг жигар митохондриясининг ЛПО, антиоксидант ферментлар фаоллиги, нафас олиши ва оксидланишли фосфорланиш (ОФ) жараёнларига таъсирларини аниқлаган. Р.Д. Рустамов томонидан бутилкаптакс билан захарланган каламуш жигар микросомаси ва митохондрияси мембранасининг структуравий ва функционал бузилишларига антиоксидант Пегинол С-2000 таъсирини ўрганган. Шунингдек, Д.С. Тўйчиева томонидан бутилкаптакс ва дропп дефолиантларининг ҳомиладор каламуш ва уларнинг эмбрионлари жигари гепатоцитлари морфологияси ва функционал ҳолатига таъсири бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети Зоология ва биокимё кафедрасининг «Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган пестицидларни

хайвон организмларига таъсирини тадқиқ қилиш» ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидларининг жигар тўқималарида қолдиқ сифатида тўпланиши, митохондрия дисфункциясига таъсири ҳамда уларни софорофлавонозид ва нарциссин флавоноидлари ёрдамида коррекциялашни 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидларини каламушлар жигар тўқимасидаги қолдиқ миқдори кўрсаткичларини 5, 10, 20, 30 ва 40 кунларда динамикага боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

софорофлавонозид (СФЛ) ва нарциссиннинг антирадикал фаоллигини аниқлаш;

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари интоксикациясида жигар митохондрияси липидлари перекисли оксидланиш (ЛПО) маҳсулоти малон диальдегид (МДА) миқдорига ва антиоксидант ферментлар фаоллигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсирини 10, 20, 30 ва 40 кунларда динамикага боғлиқ ҳолда баҳолаш;

in vivo тажриба шароитларида пестицидларни каламуш жигар митохондрияси РТР ўтказувчанлигига, АТФга боғлиқ калий канали (миток_{АТФ}-канал) фаоллигига ва пассив ион ўтказувчанлигига СФЛ ва нарциссиннинг коррекцияловчи таъсирини 10, 20, 30 ва 40 кунларда динамикага боғлиқ ҳолда аниқлаш;

пестицидлар билан захарланган каламушларни жигар митохондрияси нафас олиши ва ОФ жараёнларига СФЛ ва нарциссиннинг таъсирини 10, 20, 30 ва 40 кунларда динамикага боғлиқ ҳолда аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пестицидлар билан захарланган ва ўсимлик флавоноидлари билан коррекция қилинган каламушлар, уларнинг жигаридан ажратиб олинган митохондриялар, антиоксидант фаолликка эга ўсимлик флавоноидлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети пестицидлар интоксикациясида каламуш жигари митохондриясининг дисфункцияси, СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг антиоксидант хоссалари ва уларнинг жигар митохондрияси мембраналарининг бузилишларига коррекцияловчи таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот бажарилишида замонавий биокимё ва физиологияда кенг қўлланиладиган центрифугалаш, фотометрия, спектрофотометрия, полярография каби усуллардан фойдаланилган. Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Origin 6.1 (Microsoft, USA) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидларининг жигар тўқимасидаги қолдиқ миқдори динамикага боғлиқ ҳолда (5, 10, 20, 30 ва 40 кунлик) аниқланган;

in vitro шароитида СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг антирадикал фаолликлари ҳамда галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари интоксикациясида уларнинг антиоксидант хоссалари аниқланган;

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари интоксикацияси шароитида СФЛ ва нарциссин флавоноидларини мРТРга ингибирловчи ва митоКАТФ-каналли фаоллигига самарали таъсир этиши динамикага боғлиқ ҳолда (10, 20, 30 ва 40 кунларда) исботланган;

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари интоксикацияси шароитида жигар митохондрияси пассив ион ўтказувчанлиги ўзгаришлари ва ОФ жараёнини СФЛ ва нарциссин флавоноидлари билан қайта тиклаши динамикага боғлиқ ҳолда (10, 20, 30 ва 40 кунларда) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан захарлантирилган каламушларнинг жигар митохондриялари дисфункциясини флавоноид бирикмалар ёрдамида коррекциялашга асосланган;

антитоксик хоссага эга бўлган иккита мембранафаол моддалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий биофизик-биокимёвий, электрофизиологик тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги, натижалар таҳлили замонавий компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пестицидлар таъсирида организмнинг захарланиши ва унинг натижасида юзага келадиган митохондрияларининг дисфункциясини флавоноид бирикмалар билан коррекциялаш механизмларига ойдинлик киритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, фойдаланилган ёндашувлар, усуллар ҳамда аниқланган механизмлар антитоксик хоссасига эга бўлган янги биофаол бирикмаларни аниқлашга асос бўлади, шунингдек, моддаларнинг мембранафаол хоссалари митохондриянинг пестицидлар таъсирида юзага келадиган дисфункциясини коррекцияловчи восита сифатида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан интоксикация қилинган каламушларнинг жигар митохондрияларининг дисфункциясини СФЛ ва нарциссин флавоноидлари билан коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

галоксифоп-Р-метил пестициди амалда фойдаланилаётган (0.5-1.0 л/га) миқдорини 0.4-0.9 л/га камайтирган ҳолда 2019-2020 йилларда Андижон вилояти Пахтаобод ва Хўжаобод туманларидаги жами 179 гектар дала майдонларида бегона ўтларга қарши курашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 июлдаги 02/032-

3064-сон маълумотномаси). Натижада, галоксифоп-Р-метилнинг 0.4-0.9 л/га миқдори ҳосилдорликка ҳамда тупроқ структурасига ножўя таъсир камайиши, шу билан бирга ҳар бир гектарига 32000 сўм (1000 гектарига пахта майдонида 32 млн сўм) иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

индоксакарб пестициди амалда фойдаланилаётган (0.40-0.45 л/га) миқдорини 0.3-0.35 л/га камайтирган ҳолда 2019-2020 йилларда Андижон вилояти Пахтаобод ва Хўжаобод туманларидаги жами 179 гектар дала майдонларида ғўза тунламига қарши курашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 июлдаги 02/032-3064-сон маълумотномаси). Натижада, индоксакарбнинг 0.3-0.35 л/га миқдори ҳосилдорликка ҳамда атроф-муҳитга ножўя таъсирининг камлиги, шу билан бирга ҳар бир гектарига 95100 сўм (1000 гектарига пахта майдонида 95.1 млн сўм) иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидларини жигар тўқималарига таъсир қилувчи дозаларини аниқлаш бўйича олинган натижалари асосида Андижон вилояти Хўжобод тумани «Қорабулоқ» фермер хўжалигини 63 гектар дала майдонларида бегона ўтларга қарши кимёвий курашда нисбатан кичик дозаларни қўллаш жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 03-02/8-1971-сон маълумотномаси). Натижада зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтларга қарши курашда пестицидлардан белгиланган кўрсатмаларга мувофиқ, энг кам самарали даражада фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 6 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий ва 2 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

килинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Пестицидларни хужайра мембранаси ва митохондрияси функциясига таъсири бўйича замонавий тадқиқотлар тавсифи»** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидларнинг замонавий классификацияси, айрим пестицидларни митохондриянинг функционал фаоллигига ва митохондрияда эркин радикаллар генерациясига таъсири ҳамда бунинг натижасида юзага келадиган патологик, биокимёвий, физиологик ўзгаришлар батафсил ўрганилди. Пестицидлар билан зарарланган хужайра мембраналарига айрим ўсимлик бирикмаларини фармакологик таъсир механизмлари ҳақида чет эл ва республикамиздаги илмий адабиётлардан олинган маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидларини жигар тўқимасидаги қолдиқ миқдорини аниқлаш, уларнинг митохондрияга таъсирини тадқиқ қилиш усуллари ва тадқиқот материаллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш тартиби, уларни бажарилишида фойдаланиладиган материаллар ва усуллар ёритилган. Хусусан каламушларни галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан интоксикацияланган ва жигар тўқимасида уларнинг 5, 10, 20, 30 ва 40 кунларидаги қолдиқ миқдори юқори самарали суяқлик хроматография масс-спектрометрия усули ёрдамида таҳлили қилинган. Жигардан митохондриялар дифференциал центрифугалаш усули ёрдамида ажратилган. Шунингдек, пестицидлар билан заҳарлантирилган каламушлар жигари митохондрияси мембранасининг ЛПО кўрсаткичлари, мембранага боғлиқ цитохром-с-оксидаза ва антиоксидант ҳимоя тизими ферментларининг фаоллигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири спектрофотометр услуби билан аниқланган. Бундан ташқари, митохондрия мембранасининг пассив ион ўтказувчанлиги, mPTP ўтказувчанлиги ва митоK_{ATP}-канал фаоллиги аниқланган. Митохондрияларнинг нафас олиш тезлиги ва ОФ ни аниқлашнинг полярография усуллари келтирилган.

Дастлаб, галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан интоксикациялаш учун танлаб олинган эркак каламушлар (180-200 г) гуруҳларга ажратилди: Тажрибанинг II, III ва IV гуруҳларидаги хайвонларга галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари махсус зонд орқали LD₅₀ 1/10 дозаси билан бир марталик заҳарлантирилди. Пестицидлар юборилгандан кейин, суткасига бир марта III гуруҳга СФЛ 10 мг/кг ва IV гуруҳ хайвонларга эса нарциссин флавоноидларидан 10 мг/кг дозада перорал усулда 10 кун давомида юборилди.

Диссертациянинг **«Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидларини жигар тўқимасидаги қолдиқ миқдори кўрсаткичлари»** деб номланган учинчи бобида галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб

пестицидларини жигар тўқимасидаги қолдиқ миқдорини динамикага боғлиқ ҳолда (5, 10, 20, 30, 40 кунларда) хроматографик таҳлил натижалари келтирилган. Дастлаб галоксифоп-Р-метил ва назорат гуруҳи ҳайвонларининг (соғлом) жигари миқдорий хроматографик таҳлиллари амалга оширилди. Стандарт галоксифоп-Р-метилнинг 0.01 мг/мл эритмаси учун ҳосил бўлган ютилиш интенсивлигида унинг миқдори 0,0001 мкг эканлиги аниқланди (1-расм). Назорат учун олинган жигар намуналарида эса галоксифоп-Р-метил учун хос бўлган ютилиш интенсивлиги аниқланмади (1-расм).



1-расм. Стандарт галоксифоп-Р-метил 0.01 мг/мл эритмаси, назорат ва галоксифоп-Р-метил билан интоксикация қилинган 5, 10, 20, 30 ва 40 кунлик каламушлар жигар намунасининг хроматограммаси (Ушбу тадқиқотлар ЎзР ФА биоорганик кимё институти катта илмий ходими А.М.Мамадрахимов билан ҳамкорликда амалга оширилди).

Тажриба гуруҳи ҳайвонларининг жигар намуналари 5-, 10-, 20-, 30- ва 40-кунлардан сўнг олиниб, хроматографик таҳлиллар олиб борилди. Галоксифоп-Р-метил пестициди билан бир марталик LD_{50} 1/10 дозада захарлантирилган ҳайвонларнинг 5 кундан сўнг олинган жигар намуналарининг хроматограммалари келтирилган. Ютилиш интенсивлигининг юқори бўлиши бу намунада текширилаётган модданинг миқдорига боғлиқ. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, 1-намунада 0,0174 мкг, 2-намунада эса 0,0163 мкг (1-расм) га тенг бўлган галоксифоп-Р-метил пестициди борлиги аниқланди. Тадқиқотлар давомида каламушлар жигаридан 10 кундан сўнг намуналар олиниб, хроматографик таҳлиллар ўтказилди. Ҳайвонларнинг жигар намуналарида галоксифоп-Р-метил миқдори юқоридагига нисбатан камайиб борди. Жумладан, 10 кунликнинг 1-намунасида 0,00168 мкг, 2-намунада эса 0,00184 мкг га тенг бўлган


галоксифоп-Р-метил пестициди борлиги аниқланди (1-расм). Олинган натижалардан кўриниб турибдики, тадқиқотларнинг 5-кунига нисбатан 10-кунида ҳайвонларнинг жигари таркибида галоксифоп-Р-метилнинг камайиб бориши сезиларли кузатилган. Тадқиқотлар давомида 20-кундан сўнг ҳайвонларнинг жигар намуналарида галоксифоп-Р-метил учун хос бўлган ютилиш чўққилари ҳосил бўлди. Лекин, унинг қолдиқ миқдори 10-кунга нисбатан сезиларли камайиши аниқланди. Жумладан, 1-намунада (1 г намунага нисбатан олинган) 0,00023 мкг, 2-намунада 0,00014 мкг га тенг бўлган миқдорда галоксифоп-Р-метил борлиги аниқланди (1-расм).

Тадқиқотлар давомида ҳайвонлар жигаридан 30 кундан сўнг ҳам намуналар олиниб, қолдиқ пестицидлар миқдори аниқланди. Олинган натижалардан маълум бўлдики, тадқиқотларнинг 30-кунидан сўнг ҳайвонларнинг жигар намуналарида галоксифоп-Р-метил учун хос бўлган ютилиш чўққилари ҳосил бўлди. Ушбу спектрларда ютилиш интенсивлигининг камайиши галоксифоп-Р-метилнинг миқдори камайиши билан боғлиқ. Жумладан, 1-намунада 0,0000094 мкг, 2-намунада 0,000153 мкг га тенг бўлган миқдорда галоксифоп-Р-метил борлиги аниқланди (1-расм). Тадқиқотларнинг 40-кунидан сўнг каламушларнинг жигар намуналарида галоксифоп-Р-метил учун хос бўлган ютилиш чўққилари ҳосил бўлмади. Натижалар ҳайвонларнинг жигар намуналарида 40 кундан сўнг галоксифоп-Р-метилнинг қолдиқ миқдори йўқлигини кўрсатди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, каламушларнинг жигарида қолдиқ пестицидларнинг энг юқори миқдори заҳарлангандан кейин 5-, 10-кунларида аниқланди. Заҳарланишнинг 20-, 30-кунларида бу кўрсаткич камайганлиги кузатилди. Тадқиқотнинг 40-кунларига келиб, каламушлар жигарида қолдиқ пестицидларнинг тўпланиши кузатилмади (1-расм).

Индоксакарб пестицидининг ҳам жигар тўқимасидаги қолдиқ миқдори 10-40 кунлик динамикага боғлиқ хроматографик таҳлили амалга оширилиб, ушбу пестицидда ҳам галоксифоп-Р-метилда олинган натижаларга жуда яқин кўрсаткичлар олинди. Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб билан заҳарлантирилган каламушлар жигари тўқимасидаги юқори қолдиқ миқдори заҳарланишнинг 5-10-кунларида аниқланди. Заҳарланишнинг 20-, 30-кунларида бу кўрсаткич камайиб борганлиги кузатилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, каламушларга юборилган пестицидларнинг қолдиқ миқдори 40-кунларига келиб, жигар тўқимасида аниқланмади. Олинган натижалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, каламушлар жигаридаги қолдиқ пестицидлар миқдори жигар митохондрияларида биокимёвий ва физиологик кўрсаткичларига таъсир этиб, қатор ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Диссертациянинг «Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан заҳарланган каламушларнинг жигар митохондриялари дисфункциясини софорофлавонозид ва нарциссин билан коррекциялаш» деб номланган тўртинчи бобида флавоноидларининг антирадикал фаолликлари, пестицидлар билан заҳарланган каламушлар

жигари митохондриялари мембранасининг ЛПОга (МДА, Fe^{2+} /цитрат), цитохром-с-оксидаза ферменти ва антиоксидант (каталаза, СОД, глутатионредуктаза, глутатионпероксидаза) ферментлар фаоллигига СФЛ ва нарциссин бирикмаларининг таъсири 10, 20, 30 ва 40 кунларида динамикага боғлиқ ҳолда ўрганилган. Маълумки, турли прооксидант агентлар таъсирида, биологик мембраналарда ЛПО жараёни ўзгаради. Пестицидлар билан захарлантирилган каламуш жигар митохондриясининг ЛПО маҳсулоти МДА миқдори СФЛ ва нарциссиннинг таъсири 10-40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда ўрганилди. Олинган натижаларга кўра, галоксифоп-Р-метил пестициди билан захарланган II гуруҳ каламушларда 10, 20, 30 ва 40 кунликларда жигар митохондриясининг мембранасида ЛПО маҳсулоти МДА миқдори назоратга (I гуруҳ) нисбатан мос равишда $35,7 \pm 2,8\%$, $39,1 \pm 3,2\%$, $36,4 \pm 2,5\%$ ва $32,1 \pm 2,2\%$ га ортганлиги аниқланди. Бу эса галоксифоп-Р-метил пестициди таъсирида митохондрия мембранаси таркибидаги ЛПО жараёнининг жадаллашганлигидан далолат беради. СФЛ билан фармакотерапия қилинган III гуруҳ каламушларда жигар митохондрияси МДА миқдори II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10 кунликда $9 \pm 0,4\%$ га 20, 30 ва 40 кунларига келиб, мос равишда $15,6 \pm 1,2\%$, $21,3 \pm 1,5\%$ ва $19,8 \pm 1,6\%$ га камайганлиги аниқланди. Нарциссин юборилган IV гуруҳ каламушларда 10 ва 20 кунликларида МДА миқдори II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $11,5 \pm 0,9\%$ ва $21,6 \pm 1,6\%$ ва ишончли камайиши кузатилди. Аммо, 30 ҳамда 40 кунларда жигар митохондриясида МДА миқдори II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $28,6 \pm 2,1\%$ ва $26,0 \pm 2,2\%$ камайганлиги аниқланди (2-расм, А).



2-расм. Галоксифоп-Р-метил (А) ва индоксакарб (Б) пестицидлари билан захарланган каламушлар жигар митохондрияси МДА миқдори СФЛ ва нарциссиннинг 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ таъсири (* $P < 0,05$; ** $P < 0,01$; $n = 5-6$).

Индоксакарб билан захарлантирилган каламушларни жигар митохондрияси МДА миқдори ўрганилганда II гуруҳ каламушларда 10, 20,


30 ва 40 кунларида жигар митохондриясида МДА миқдори назоратга нисбатан мос равишда $36,4 \pm 2,4\%$, $36,7 \pm 2,8\%$, $33,3 \pm 1,9\%$ ва $25,7 \pm 1,3\%$ га ортганлиги аниқланди. СФЛ билан фармакотерапия қилинган III гуруҳ каламушларда жигар митохондриясида МДА миқдори II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10, 20, 30 ва 40 кунларига келиб, мос равишда $9,1 \pm 0,8\%$, $16,4 \pm 1,2\%$, $18,8 \pm 2,1\%$ ва $11,5 \pm 1,2\%$ га камайганлиги аниқланди (2-расм, Б). Нарциссин юборилган IV гуруҳ каламушларда 10 ва 20 кунларида МДА миқдори II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $15,2 \pm 1,2\%$ ва $25,3 \pm 1,7\%$ камайиши кузатилди. Аммо, 30 ҳамда 40 кунларида жигар митохондриясида МДА миқдори II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $25,5 \pm 1,6\%$ ва $16,4 \pm 1,5\%$ камайганлиги аниқланди (2-расм, Б). Демак, СФЛ ва нарциссин флавоноидлари жигар митохондриясида ЛПО билан боғлиқ эркин радикаллар ҳосил бўлишининг олдини олиб, мембранага эркин радикаллар таъсирини нейтраллаши ва ЛПОни камайтириши мумкин.

Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан захарланган каламушларни жигар митохондриясининг Fe^{2+} /цитрат таъсирида чақирилган ЛПО жараёнига СФЛ ва нарциссин флавоноидларини 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ таъсири ҳам аниқланди. Инкубация муҳитида Fe^{2+} /цитрат мавжуд шароитда, индуцирларган ЛПО жараёни, яъни митохондрияларнинг бўкиши 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ равишда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан кескин ортганлиги қайд этилган. Пестицидлар билан интоксикация қилинган каламушларни СФЛ ва нарциссин билан 10 кун давомида фармакотерапия қилганимизда уларнинг жигар митохондрия мембранаси Fe^{2+} /цитрат таъсирида чақирилган ЛПО II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ равишда маълум даражада қайта тикланиши аниқланди.

Баъзи инсектицидлар сутэмизувчи ҳайвонларда жигар митохондрияси бўкишини чақириши, нафас олиши ОФ жараёни ва Mg^{2+} га боғлиқ АТФаза, цитохром-с-оксидаза фаоллигини ўзгартириши ҳамда митохондрияларда дисфункция чақириши мумкинлиги келтирилган (Toualbia et al., 2017). Аммо, кўплаб пестицидлар жумладан галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб таъсирида каламуш жигар митохондрияси цитохром-с-оксидаза фаоллиги ўзгариши бўйича тадқиқотлар кам ўрганилган. Навбатдаги тажрибамизда, галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари таъсирида жигар митохондрияси цитохром-с-оксидаза фаоллигини ўзгариши ва уларга флавоноидларнинг таъсири ўрганилди.

Олинган натижаларга кўра, галоксифоп-Р-метил пестициди билан захарланган II гуруҳ каламушларда 10, 20, 30 ва 40 кунларида жигар митохондриясининг цитохром-с-оксидаза фаоллиги назоратга нисбатан мос равишда $71,7 \pm 4,2\%$, $68,5 \pm 3,4\%$, $58,7 \pm 4,7\%$ ва $43,9 \pm 3,4\%$ га кескин камайганлиги аниқланди. Бу эса пестицид таъсирида митохондрия нафас занжирида электронларни ташилиши кескин бузилганлигидан далолат беради. СФЛ билан фармакотерапия қилинган III гуруҳ каламушларда жигар

митохондриясининг цитохром-с-оксидаза фаоллиги II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10 кунликда таъсири сезилмади. Аммо 20-, 30- ва 40-кунларига келиб, II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $26,5 \pm 1,7\%$, $22,2 \pm 1,4\%$ ва $16,6 \pm 1,2\%$ га ортганлиги аниқланди (3-расм, А).



3-расм. Галоксифоп-Р-метил (А) ва индоксакарб (Б) пестицидлари билан захарланган каламушлар жигар митохондриясидаги цитохром с-оксидаза ферменти фаоллигига СФЛ ва нарциссиннинг 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ таъсири (*P<0,05; **P<0,01; n=5-6).

Нарциссин юборилган IV гуруҳ каламушларда 10 кунликда цитохром-с -оксидаза фаоллиги II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан кескин ўзгаришлар кузатилмади. Аммо, 20, 30 ҳамда 40 кунларида жигар митохондрияси цитохром-с-оксидаза фаоллиги II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $25,4 \pm 2,1\%$, $29,4 \pm 2,0\%$ ва $25 \pm 1,8\%$ тикланиши аниқланди (3-расм, А). Бунда СФЛга нисбатан нарциссин флавоноидининг коррекцияловчи таъсири самаралироқ эканлиги тажрибаларда исботланди.

Индоксакарб пестициди билан олиб борилган тажрибалар каламушлар жигар митохондриясида цитохром-с-оксидаза фаоллигига II гуруҳ каламушларда 10, 20, 30 ва 40 кунларида жигар митохондрияси цитохром-с-оксидаза фаоллиги назоратга нисбатан $62,6 \pm 4,2\%$, $55,8 \pm 4,4\%$, $44,8 \pm 3,0\%$ ва $41,7 \pm 2,7\%$ га кескин камайганлиги аниқланди. Фермент активлигини энг юқори ингибирланиши захарланишнинг 10 кунида кузатилди. СФЛ ва нарциссин билан фармакотерапия қилинган III ва IV гуруҳ каламушларда жигар митохондрияси цитохром-с-оксидаза фаоллиги II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10, 20, 30 ва 40 кунларига келиб ортганлиги аниқланди (3-расм, Б). СФЛнинг коррекцияловчи таъсири нарциссин флавоноидига нисбатан самаралироқ эканлиги исботланди. Шундай қилиб, ушбу пестицидлар таъсирида жигар митохондриясида цитохром-с-оксидаза фаоллигини кескин камайиши кузатилди. Чуқур ингибирланиш захарланишнинг 10-кунида кузатилди, бу эса ўз навбатида каламушлар жигари митохондриясида нафас олиш занжирида электронларнинг узатилишини ўзгаришига олиб келади.

Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан заҳарланган каламушлар жигари митохондриясининг антиоксидант ферментлар (каталаза, супероксиддисмутаза) фаоллигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири. Пестицидлар билан заҳарланган каламушларнинг жигар митохондриясидаги каталаза ферменти фаоллиги ўзгариши билан бир қаторда СОД фаоллиги ҳам ўзгарди. СОД хужайра ва тўқималарни салбий омиллар таъсирида оксидловчи зарарланишдан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди. Навбатдаги тажрибамизда галоксифоп-Р-метил пестициди билан заҳарланган каламушларнинг жигар митохондрияси антиоксидант ферменти СОД фаоллигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири ўрганилган. Олинган натижаларга кўра, галоксифоп-Р-метил билан заҳарланган II гуруҳ каламушларда 10-, 20-, 30- ва 40-кунларига келиб, СОД фаоллиги камайиб бориб, 40-кунда назоратга нисбатан $41,6 \pm 2,8\%$ пасайганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Галоксифоп-Р-метил билан заҳарланган каламуш жигар митохондрияси СОД фаоллигига СФЛ ва нарциссиннинг таъсири (10, 20, 30 ва 40 кунлик динамика боғлиқ) (ед./мг оксил)

№	Тажриба гуруҳлари	n	Тажриба кунлари			
			10	20	30	40
I	Назорат	5	$3,30 \pm 0,06$	$3,28 \pm 0,06$	$3,26 \pm 0,05$	$3,34 \pm 0,06$
II	Галоксифоп	6	$2,57 \pm 0,06^*$	$2,40 \pm 0,05^*$	$2,23 \pm 0,05^*$	$1,95 \pm 0,04^{**}$
III	Галоксифоп+СФЛ	5	$2,36 \pm 0,05^*$	$2,24 \pm 0,04^*$	$2,30 \pm 0,09$	$2,44 \pm 0,05^*$
IV	Галоксифоп+Нарциссин	5	$2,29 \pm 0,10^*$	$2,20 \pm 0,06^{**}$	$2,56 \pm 0,02^{**}$	$2,71 \pm 0,03^{**}$

(*P<0,05; **P<0,01; n=5-6).

СФЛ флавоноиди билан фармакотерапия қилинган III гуруҳ ва нарциссин юборилган IV гуруҳ каламушларда 40-кунга келиб, жигар митохондриясидаги СОД ферменти фаоллиги галоксифоп-Р-метил пестициди билан заҳарланган II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда $16,4 \pm 1,1\%$ ва $22,7 \pm 1,5\%$ га ортганлиги тажрибаларимизда намоён бўлди (1-жадвал). Индоксакарб билан заҳарланган каламушлар жигар митохондрияси антиоксидант ферменти СОД фаоллиги назорат гуруҳида 10-, 20-, 30- ва 40-кунлар давомида сезиларли ўзгариш кузатилмади. Индоксакарб билан заҳарланган II гуруҳ каламушларда 10-, 20-, 30- ва 40-кунларига келиб СОД ферментининг фаоллиги камайганлиги ва 40-кунга келиб назоратга нисбатан $44 \pm 3,2\%$ гача фаоллиги пасайганлиги аниқланди. СФЛ билан фармакотерапия қилинган III гуруҳ каламушларда жигар митохондрияси СОД ферменти фаоллиги II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 40-кунга келиб, $51,8 \pm 3,9\%$ ортганлиги аниқланди. Нарциссин билан фармакотерапия қилинган IV гуруҳ индоксикарбли каламушларда 10-, 20-, 30- ҳамда 40-кунларида СОД ферментининг фаоллиги II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан бироз ўзгариб, 40-кунга келиб $53,9 \pm 4,2\%$ ортганлиги тажрибаларимизда ўз аксини топди (2-жадвал).

Индоксакарб билан заҳарланган каламушларнинг жигар митохондрияси СОД фаоллигига СФЛ ва нарциссиннинг таъсири (40 кунлик динамика боғлиқ) (ед./мг оксил)

№	Тажриба гуруҳлари	n	Тажриба кунлари			
			10	20	30	40
I	Назорат	5	3,30±0,06	3,28±0,10	3,26±0,05	3,34±0,06
II	Индоксакарб	6	2,31±0,12	2,11±0,04*	1,95±0,10*	1,89±0,07*
III	Индоксакарб + СФЛ	5	2,65±0,11	2,94±0,07**	3,10±0,09**	3,20±0,07*
IV	Индоксакарб+Нарциссин	5	2,75±0,08*	2,98±0,05*	3,16±0,09*	3,27±0,09*


(*P<0,05; **P<0,01; n=5-6).

Олинган натижалар статистик таҳлил қилинганда, антиоксидант ҳимоя тизимига жавобгар бўлган каталаза ва СОД ферментларининг фаоллиги тажриба гуруҳи яъни пестицидлар билан заҳарланган ҳайвонларда пасайиши кузатилди. Ферментлар фаоллиги камайиши митохондрия нафас занжирида эркин радикаллар генерациясини ортишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида турли патологик жараёнлар ривожланишига олиб келиши мумкин.

Жигар митохондриясидаги глутатионпероксидаза ва глутатионредуктаза фаоллиги индоксакарб таъсирида динамикага боғлиқ бўлмаган ҳолатда камайди. Глутатионпероксидаза ва глутатионредуктаза фаоллигини СФЛ ва нарциссин бирикмалари 10, 20, 30 ва 40 кунларида динамикага боғлиқ равишда маълум даражада тикланганлиги аниқланди. Олиб борган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, пестицидлар таъсирида митохондрияда глутатионпероксидаза ва глутатионредуктаза фаоллиги сусаяди. СФЛ ва нарциссин бирикмалари глутатионпероксидаза ва глутатионредуктаза фаоллигини маълум даражада тиклаб, ўзининг антиоксидант хоссаларини намоён қилди. Шунингдек, ушбу бобда галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан заҳарланган каламушлар жигар митохондрияси РТР ўтказувчанлигига, митоK_{ATP}-каналли фаоллигига, пассив ион ўтказувчанлигига ва ОФ жараёнларига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири 10, 20, 30 ва 40 кунларда динамикага боғлиқ ҳолда ўрганилган.

Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан заҳарланган каламуш жигар митохондрияси РТР ўтказувчанлигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири. Ушбу тажрибамизда, галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб билан интоксикацияланган каламушларни жигар митохондриясини бўқишига СФЛ ва нарциссиннинг 10, 20, 30 ва 40 кунлар давомида коррекцияловчи таъсир динамикаси баҳоланди. Галоксифоп-Р-метил юборилган II гуруҳ ҳайвонларни жигар митохондрияси бўқиши назоратга нисбатан 10 кунликда 59,0±3,5% га, 20 кунликда эса 65,7±4,6% га 30 ва 40 кунларда мос равишда 70,1±4,1% ва 60,5±4,5% га ортиши аниқланди. Демак, галоксифоп-Р-метил пестицидини ҳайвонларга юборилгандан 20 кундан сўнг жигар митохондриясини бўқишида барқарор динамик ҳолат сақланди (4-расм, А). Аммо бу назорат кўрсаткичларидан юқори ҳолатда қолганлигини митохондрия мембранаси ЛПО интенсивлиги

ортганлиги ва ион транспорт тизимларининг функционал фаоллиги камайганлиги билан изохлаш мумкин. Галоксифоп–Р-метил пестициди юборилган III гуруҳ каламушларни СФЛ флавоноиди (10 мг/кг) билан 10 кун давомида фармакотерапия қилинганда III гуруҳ ҳайвонларини жигар митохондрияси бўкиши II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10 кунликда $24,0 \pm 2,1\%$ га, 20 кунликда эса $30,7 \pm 3,2\%$ га 30 ва 40 кунларида эса $46,8 \pm 4,5\%$ ва $45,0 \pm 3,0\%$ га инбирланганлиги қайд этилди (4-расм, А).



4-расм. Галоксифоп–Р-метил (А) ва индоксакарб (Б) пестицидлари билан интоксикацияланган каламушларнинг жигар митохондрияси РТР ўтказувчанлигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири (40 кунлик динамика боғлиқ) (* $P < 0,05$; ** $P < 0,01$; $n = 5-6$).

Бунда, СФЛ нинг ингибирловчи таъсири 10- ва 20-кунларга нисбатан 30- ва 40- кунликда самарали бўлганлиги исботланди. Нарциссин флавоноидининг ҳам митохондрия mРТР ўтказувчанлигини 10 ва 20 кунларга нисбатан 30 ва 40 кунликда самарали ингибирлаши аниқланди.

Навбатдаги *in vivo* тажрибамизда, яна бир пестицид индоксакарб билан захарлантирилган каламушлар жигар митохондрияси юқори ўтказувчан порасига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири ўрганилди. Индоксакарб билан интоксикация қилинган II гуруҳ каламушларни жигар митохондрияси бўкиши назоратга нисбатан 10 кунликда $77,4 \pm 3,7\%$ га, 20 кунликда эса $95,5 \pm 4,2\%$ га 30 ва 40 кунлардан сўнг мос равишда $104,6 \pm 4,2\%$ ва $90,4 \pm 3,7\%$ га ортиши аниқланди. СФЛ юборилган каламушларни жигар митохондрияси бўкиши дастлаб 10 кунда патологик гуруҳга (II гуруҳ) нисбатан $36,7 \pm 3,5\%$, 20 кунликда $51,1 \pm 3,2\%$, 30 кунликда $73,9 \pm 4,5\%$ ва 40 кунликда эса $69,9 \pm 5,3\%$ ингибирланганлиги аниқланди. Нарциссин билан коррекцияланган IV гуруҳ каламушларни жигар митохондрияси юқори ўтказувчан пораси II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолатда мос равишда $18,9 \pm 5,6\%$; $34,7 \pm 3,5\%$; $53 \pm 3,45\%$ ва $47,9 \pm 4,5\%$ ингибирланганлиги аниқланди (4-расм, Б). Олинган натижалардан шундай хулосага келиш мумкинки, галоксифоп–Р-метил пестицидида кузатилган митохондрия мембранаси бузилиши индоксакарбда ҳам кузатилди. СФЛ ва нарциссин бирикмалари пестицидлар таъсирида

зарарланган жигар митохондриясининг юқори ўтказувчан порасини динамикага боғлиқ ингибирлаб, mPTP конформациясини қайта тиклаши мумкинлиги аниқланди.

Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари билан захарлантирилган каламуш жигар митохондрияси АТФга боғлиқ калий канали фаоллигига СФЛ ва нарциссин флавоноидларининг таъсири. Пестицидлар интоксикацияси билан боғлиқ жигар зарарланишида митоК_{АТФ}-каналининг функционал фаоллиги ўрганилмаган. Олиб борилган *in vivo* тажрибамизда галоксифоп-Р-метил юборилган II гуруҳ каламушларни жигар митоК_{АТФ}-каналининг ўтказувчанлиги динамикага боғлиқ равишда 10, 20, 30 ва 40 кунларда инкубация муҳитида 200 мкМ АТФ мавжуд шароитда назоратга (I гуруҳ) нисбатан мос равишда 19,6±1,1%; 33,2±2,2%; 42±3,2% ва 44±3,2% га ингибирланганлиги аниқланди. Галоксифоп-Р-метил юборилган III гуруҳ каламушларни СФЛ билан 10 кун давомида 10 мг/кг дозада перорал юборилганда уларнинг жигар митоК_{АТФ}-каналининг ўтказувчанлиги 10, 20, 30 ва 40 кунларда II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 11,6±0,8%; 20,9±1,2%; 24±2,1% ва 24±1,3% га фаоллашганлиги аниқланди. Нарциссиннинг 10 мг/кг дозаси билан 10 кун давомида фармакотерапия қилинган IV гуруҳ каламушларни жигар митоК_{АТФ}-канални фаоллиги динамикага боғлиқ ҳолатда II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 16±1,0%; 30±2,2%; 31±2,5% ва 31,1±2,2% га ортганлиги қайд этилди.

Индоксакарб билан олиб борилган тажрибаларда жигар митоК_{АТФ}-каналининг ўтказувчанлигига II гуруҳда 10, 20, 30 ва 40 кунларда динамикага боғлиқ равишда 200 мкМ АТФ мавжуд шароитда назоратга (I гуруҳ) нисбатан мос равишда 25,8±1,2%; 41,6±2,7%; 42,4±2,9% ва 43,2±3,4% га ингибирланганлиги аниқланди. Индоксакарб юборилган III гуруҳ каламушларни СФЛ ва IV гуруҳни эса нарциссин билан даволанганда уларнинг жигар митоК_{АТФ}-каналининг ўтказувчанлиги 10, 20, 30 ва 40 кунларда II гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда фаоллашганлиги аниқланди. Демак, галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлари таъсирида жигар митоК_{АТФ}-каналининг ўтказувчанлиги ингибирланиши мембранадан калий ионлари оқимини кескин камайтириши билан ифодаланади.

Пестицидлар билан интоксикация қилинган каламушларнинг жигар митохондрияси ички мембранасининг пассив ион ўтказувчанлиги бир валентли K⁺, Na⁺ ва H⁺ ионлари учун тегишли металлларнинг KNO₃, NaNO₃, HNO₃ тузларидан, икки валентли Ca²⁺ ва Mg²⁺ ионлар учун Ca(NO₃)₂ ва Mg(NO₃)₂ тайёрланган изоосмотик муҳитларда аниқланди. Пестицидлар таъсирида жигар митохондриясининг пассив ион ўтказувчанлиги 10, 20, 30 ва 40 кунликларда назоратга нисбатан ортганли аниқланди. СФЛ ва нарциссин флавоноидлари пестицидлар таъсирида ортган митохондрия пассив ион ўтказувчанлигини 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда нисбатан қайта тиклаганлиги аниқланди. *In vivo* тажрибаларда СФЛ ва нарциссин флавоноидлари пестицидлар билан захарланган шароитда жигар

митохондрияси дисфункциясини қайта тиклаб, нафас назорати ва АДФ/О қийматларига самарали таъсир этиши маълум бўлди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, СФЛ ва нарциссин ўсимлик бирикмалари жигар митохондрияси энергетик метаболизм жараёнларини пестицидлар таъсирида бузилишини коррекциялайди.

ХУЛОСАЛАР

1. Индоксакарб билан (LD_{50} 1/10) билан заҳарлантирилган каламушлар жигари тўқимасида қолдиқ пестицид миқдори галоксифоп-Р-метилга нисбатан юқори бўлиб, бу кўрсаткич заҳарланишнинг 5-10-кунларида аниқланди. 20 ва 30 кунларида пестициднинг қолдиқ миқдори камайиб борди ва 40-кунга келиб аниқланмади.

2. Софорофлавонозид ва нарциссин флавоноидлари антирадикал фаоллигини намоён қилиб, галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб билан интоксикацияланганда жигар митохондриясининг Fe^{2+} /цитрат билан чақирилган липидларнинг перекисли оксидланиши ва МДА миқдорини 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда камайтирди.

3. Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб таъсирида жигар митохондриясида цитохром-с-оксидаза фаоллиги кескин камайди, чуқур ингибирланиш заҳарланишнинг 10-кунида кузатилди, СФЛ (10 мг/кг) ва нарциссин (10 мг/кг) флавоноидлари жигар митохондриясидаги цитохром-с-оксидаза фаоллигини 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда тиклаши аниқланди.

4. Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлар билан заҳарланган каламушлар жигар митохондрияси антиоксидант ферментлари (каталаза, СОД, глутатионредуктаза, глутатионпероксидаза) фаоллигининг динамикага боғлиқ ҳолда пасайтирди, СФЛ ва нарциссин флавоноидлари уларнинг фаоллигини қайта тиклаб, антиоксидантлик хоссаларини намоён қилди. Олинган натижалар нарциссиннинг СФЛга нисбатан антиоксидант фаоллиги юқори эканлигини кўрсатди.

5. Пестицидлар интоксикациясида каламуш жигар митохондрияларида 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда РТР очик ҳолатга ўтади, мито K_{ATP} -канал ўтказувчанлиги ингибирланади, бир ва икки валентли катионлар учун пассив ўтказувчанлиги ортади. СФЛ ва нарциссин флавоноидлари жигар митохондрияси РТРни ва пассив ион ўтказувчанлигини ингибирлайди ҳамда мито K_{ATP} -канал ўтказувчанлигини фаоллаштирди.

6. Галоксифоп-Р-метил ва индоксакарб пестицидлар таъсирида 10, 20, 30 ва 40 кунлик динамикага боғлиқ ҳолда жигар митохондриясининг оксидланишли фосфорланиш жараёнининг ажралишини СФЛ ва нарциссин флавоноидлари қайта тиклайди, нафас назорати, АДФ/О коэффициентларини оширади ва энергетик метаболизм бузилишларини коррекция қилиб, хужайранинг энергетик танқислигини баратараф этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И
БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ПАРПИЕВА МАШУРА ЖАВДАТОВНА

**НАРУШЕНИЕ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ
МИТОХОНДРИИ ПЕЧЕНИ КРЫС ПОД ДЕЙСТВИЕМ ПЕСТИЦИДОВ
ГАЛОКСИФОП-Р-МЕТИЛА И ИНДОКСАКАРБА И ИХ КОРРЕКЦИЯ
РАСТИТЕЛЬНЫМИ ВЕЩЕСТВАМИ**

03.00.01 – Биохимия

03.00.08 – Физиология человека и животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.2.PhD/В386.

Диссертационная работа выполнена в Андижанском государственном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.ibb-nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Мирхамидова Парида
доктор биологических наук, профессор
Позиллов Маъмуржон Комилжонович
доктор биологических наук

Официальные оппоненты:

Далимова Сурайё Нугмановна
доктор биологических наук, профессор
Гайилов Улугбек Гаппаржанович
доктор философии (PhD) по биологии

Ведущая организация:

**Наманганский Государственный
Университет**

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 по присуждению ученых степеней при Институте биофизики и биохимии при Национального университета Узбекистана. (Адрес:100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел. 71 246-68-96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биофизики и биохимии при Национального университета Узбекистана (зарегистрированной за № ____). Адрес:100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел: (99871) 246-68-96.e-mail: ibb-nuu@mail.ru; mamurjon2281@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан: « ____ » _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № « ____ » от _____ 2022 года).



Сабилов Равшан Заирович
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Курбанназарова Раънохон Шараповна
И.о., ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней д.б.н.

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
Председателя Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в разных странах мира используется около 1000 различных видов пестицидов. Некоторые из этих пестицидов рекомендованы для использования в сельском хозяйстве. Однако пестициды, используемые в сельском хозяйстве, оказывают вредное воздействие на окружающую среду. Пестициды, попадающие в организм разными путями, вызывают значительные изменения. Метаболизм многих ксенобиотиков происходит в клетках печени. В связи с этим разработка эффективных методов защиты митохондрий печени от токсического действия пестицидов и фармакологической коррекции является одной из актуальных проблем современной токсикологии и биохимии.

В последние годы во многих научных центрах мира были проведены обширные исследования по созданию новых видов пестицидов. При этом особое внимание уделяется разработке новых подходов к коррекции с растительными соединениями митохондриальной дисфункции, связанной с интоксикацией печени пестицидами. В связи с этим одной из нерешенных задач является выявление функциональных нарушений митохондрий печени в результате токсического действия пестицидов и их коррекция с помощью флавоноидных соединений. На этом основании необходимо проводить оценку антитоксического действия флавоноидов и создавать новые виды препаратов.

В Узбекистане в определенной степени достигнут прогресс в выявлении физиологических механизмов токсического действия пестицидов и других химических веществ, а также их токсикологических свойств и устранении их токсического действия. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «... стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений»¹. Исходя из этих задач, имеет важное значение определение и выделение среди растительных соединений препаратов с антитоксическими свойствами, оценка их влияния на функции клеток печени и мембран, а также применение их в лечебной практике.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, определенных в постановлениях Президента Республики Узбекистана №ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и №ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки» и в других нормативно-правовых актах.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: - V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» и VI «Медицина и фармакология».

